
РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Ижтимоий тармоқда "Олтиариқ туманида савдо қилаётган фуқародан туман ҳокимига мурожаат" сарлавҳали видео ёзув эълон қилинган. Туман ҳокимлиги ҳамда Олтиариқ Деҳқон бозори маъмурияти ушбу ҳолат бўйича масалани ўрганиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам бозор ҳудудига кириш йўлларининг четларида қишлоқ хўжалиги ва қундалик эҳтиёж маҳсулотлари билан савдо қилувчи фуқаролар томонидан айрим ҳолатларда аҳолининг эркин ҳаракатланиши учун тўсқинлик қилаётган вақтинчалик, кўчма расталарнинг мавжудлиги аниқланган. Бундай ҳолат Деҳқон бозори ва унга ёндош объектларнинг ёнғин хавсизлиги талабларига зид эканлиги, йўлларда маҳсус юк ташиш транспортларининг ҳаракатланишига ҳалақит беришлиги ва айнан шу кўчаларда одамларнинг қатнави гавжум эканлигидан келиб чиқиб, бу жойларда савдо расталари ўрнатиш ёки маҳсулотларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Деҳқон бозори маъмурияти томонидан сотувчилар учун маҳсус жойлар белгиланганлиги, расталар етишмаган тақдирда йўл четларида юқорида таъкидланган хавсизлик талабларини бузмаган ҳолда савдо қилиш мумкин бўлади.

Олтиариқ туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-01-30 15:48:01